

ишлаб чиқариш фаоллигини оширишда мавжуд технологик паркни доимий равишда янгилаш, сифатли тиклаш ишларини амалга ошириш;

инвестиция фаоллигини ошириш учун тармоқни янада ривожлантиришнинг комплекс тадбирларини ишлаб чиқиш ва у асосида кенг миқёсда хориж инвестицияларини жорий этишни таъминлаш;

инновация фаоллигини ошириш мақсадида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва улар самарадорлигини баҳолаш усулларини тақомиллаштириш;

ташкилий фаолликни жадаллаштириш учун тармоқ бошқарув таркибий тузилмасини

бозор ўзгаришларига мослаштириш, ходимлар малакасини доимий равишда ошириш, тизимли равишда малакали кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш;

маркетинг фаоллигини ошириш мақсадида бозор конъюнктурасини маркетинг тадқиқотлари асосида ўрганиш, янги истиқболли бозор сегментларини излаб топиш, ривожланиши самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш;

экологик фаолликни ошириш мақсадида корхона ходимлари ўртасида экологик маданиятни шакллантириш, атроф-муҳим ифлослашишига йўл қўймаслик.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ковалев В.В. Введение в менеджмент. – М.: Финансы и статистика, 2018. – 768 с.
3. Некрасов С.В. Экономический словарь. – М.: Перспектива, 2013. – 698 с.
4. Тарасов А.А. Экономический словарь. – М.: Перспектива, 2012. – 716 с.
5. Райзберг Б.А., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 479 с.
6. Хелферт Э. Финансовый анализ. / Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 674 с.
7. Донцова Л.В. Комплексный анализ бухгалтерской отчетности. / Л.В.Донцова, Н.В.Никифорова. – М.: Издательство "Дело ва Сервис", 4-е изд., 2001.
8. Погаченюк Э.В., Пожарицкая И.М. Финансы предприятия. Учебное пособие. – Симферополь: КАПКС, 2012. – 271 с.
9. Isaev R.A. Improvement of organizational and management mechanisms of implementation of the strategy in the enterprises of the textile industry. // Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol. 27, No. 2, 2021. PP. 5738-5742.
10. Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. Учебное пособие. – Т.: Издательство ТГЭУ, 2000. – 168 с.
11. Slabinskaya I.A., Benderskaya O.B. Stable development' term and its usage in Russian economic editions. // Journal of Fundamental and Applied Sciences. 2016. Vol. 8. № 2S. P. 1494-1501.



**ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА РИСКЛАРНИ СЎНДИРИШ МАҚСАДИДА ДИНАМИК ИМКОНИАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

**Худайназарова Дилором Хайруллаевна -**  
 Мухаммад ал-Хоразмий номидаги  
 Тошкент ахборот технологиялари  
 университети катта ўқитувчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a41](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a41)

**Аннотация.** Мазкур мақолада тўқимачилик саноати корхоналарининг динамик имкониятларини баҳолаш механизмлари келтирилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати корхоналари мисолида қўллаш ёритилган, тўқимачилик саноати корхоналарида инкрементал инновацион фаолиятни амалга оширишнинг устувор жиҳатлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** динамик имкониятлар, сервитизация, инновацион коэффициент, доминант инвестиция, қўшилган қиймат, инновацион салоҳият, маҳсулот барқарорлиги.

**ОЦЕНКА ДИНАМИЧЕСКИХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ДЛЯ СНИЖЕНИЯ РИСКОВ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА**

**Худайназарова Дилором Хайруллаевна -**  
 Старший преподаватель университета информационных технологий имени Мухаммада аль-Хоразмий

**Аннотация.** В данной статье представлены механизмы оценки динамических возможностей предприятий текстильной промышленности, освещено ее использование на примере предприятий текстильной промышленности Республики Узбекистан, а также приоритетными аспектами реализации инкрементальной инновационной деятельности на предприятиях текстильной промышленности являются представлены.

**Ключевые слова:** динамические возможности, сервитизация, коэффициент инновационности, доминирующие инвестиции, добавленная стоимость, инновационная мощь, стабильность продукта.

## ASSESSMENT OF DYNAMIC OPPORTUNITIES FOR RISK MITIGATION IN UZBEKISTAN TEXTILE INDUSTRY ENTERPRISES

*Khudaynazarova Dilorom Khayrullayevna -  
Senior Lecturer at the University of Information  
technologies named after Muhammad al-Kharizmi*

**Annotation.** This article presents the mechanisms for assessing the dynamic capabilities of textile industry enterprises, its use on the example of the textile industry enterprises of the Republic of Uzbekistan is highlighted, and the priority aspects of the implementation of incremental innovation activities in the textile industry enterprises are presented.

**Key words:** dynamic capabilities, servitization, innovation coefficient, dominant investment, added value, innovation power, product stability.

**Кириш.** Тўқимачилик саноати корхоналарининг риск билан тўқнаш келиши ишлаб чиқаришнинг ҳар даврида қутиладиган ҳолат саналади. Рискларни баҳолаш ва уни алгоритмлаш XXI асда иқтисодиётнинг илмий ва амалий аҳамиятини ифодаловчи долзарб масалалардан бирига айланди. Риск бошқарувини тадқиқ этишда нафақат иқтисодчи олимлар, балки математиклар, молия ҳисоби мутахассислари, ахборот технологиялари мутахассислари, шунингдек, техник фанлар вакиллари ҳам жалб этилиши ҳар бир йирик корхоналарнинг ўзига хос стратегиясини вужудга келтиришга хизмат қилди.

Динамик имкониятлар тўқимачилик саноати корхоналарида қўлланилиши маҳсулотнинг қўшимча қиймат яратиши, маҳсулотнинг асосий компонентларининг бирикмаси ва қайта конфигурация қилиш қобилиятини ифодалаган ҳолда тез ўзгарувчан ишбилармонлик муҳитида муносиб ўз ўрнини сақлай олиши мақсадида ички ва ташқи устунликларни тақдим эта олиши саналади. Динамик имкониятларнинг аҳамияти тўқимачилик саноати корхоналари учун иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва барқарор рақобатдош устунликни ошириш имконини бериши билан белгиланади. Мазкур концепция ресурсларни янги усулда бирлаштиришга жуда яқин тушунча саналиб, Ж.Шумпетер томонидан тадбиркорнинг асосий вазифаси ва ҳатто, миссияси сифатида таърифланган.

**Адабиётлар шарҳи.** Рискларни баҳолаш усуллари риск бошқаруви назариясида муҳим босқич саналиб, бунда асосий ҳиссани қўшган француз математик олимлар Б.Паскаль ва П.Ферма саналади. Улар эҳтимоллар назариясига асосан рискни моделлаштиришга муваффақ бўлишди[1]. Бернулли тенгламаси орқали статистик танловлар асосида рискларни баҳолаш усули, рискларни бошқариш механизмларини шакллантиришга асос солди.

Рисклар оптималлашуви механизмини дастлаб 1994 йилда “Ахборот иқтисодиёти асослари” фани асосчиси Д.Хаббард томонидан «Wiley’s How to Measure Anything: Finding the Value of Intangibles in Business» китобида риск бошқарувининг иқтисодий категория сифатида

талқин этилиши асосида мазкур категориянинг техник, ташқи, ташкилий ва лойиҳа бошқарувида бўлишини мисоллар орқали асослаб берган.

Риск омилларини инглиз иқтисодчи олими Д.Крайтон 1999 йилда “Риск учбурчаги” орқали изоҳлади. Унга кўра, риск хавф, унинг таъсир доираси ҳамда заифликдан ташкил топган[2]. Бугунги кунга келиб, риск бошқарувида омилларни тизимлаштириш классификацияси жуда йирик қўламда тадқиқ этилади. Унда барча ташкилий-иқтисодий асослар, уларнинг таъсир этиш даражаси, уларни баҳолаш ва стратегиялар ҳар бир соҳа ва тармоқ учун алоҳида ишлаб чиқилган.

1995 йилда Австрияда рискларни бошқаришнинг халқаро стандарти ишлаб чиқилди. 2004 йилда бу стандартга йирик қўламда ўзгартиришлар киритилди ҳамда халқаро молиявий ва иқтисодий жараёнларни амалга оширишда “қопланма маблағ бадаллари” шакллантирилди[3].

Рискларни корхоналарнинг бошқарув механизмида юритишда кўп мезонли қарорлар қабул қилишни таҳлил этишни талаб этади. Бу каби мураккабликларга барҳам бериш мақсадида хитойлик иқтисодчи, математик олим К.Юн (1987 йил) [4] ва кейинчалик Л.Л.Хванг (1993 йил) томонидан TOPSIS-концепциясига асос солинди ва такомиллаштирилди.

Technique for order of preference by similarity to ideal solution (TOPSIS) – идеал ечимга муқобил устунлик тартибини бериш техникаси саналиб, у ҳар бир баҳолаш мезони учун шкаласимон балларни нормаллаштириш ва энг яхши ва энг ёмон кўрсаткичларни муқобил ва альтернатив миқдорлари ўртасидаги геометрик масофани ҳисоблаш орқали муқобил танловлар мажмуаси ва ундаги йўқотишлар, қопланишларини ҳисоблайдиган усул саналади.

Делфи усули 1960 йилда АҚШда О.Халмер томонидан илмий ишланмаларнинг келажакка таъсирни башорат қилиш учун ишлаб чиқилган коллектив интеллектни ташкиллаштириш усули саналади[5].

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолада тўқимачилик саноати корхоналарининг риск-

ларни сўндириш мақсадида динамик имкониятларини баҳолашнинг назарий асосларини ўрганиш, қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усуллари-дан кенг фойдаланилган.


**Таҳлил ва натижалар.** Сервитизация стратегиясининг механизмини фаоллаштиришда динамик имкониятлар инновацион фаолият ҳамда барқарорликни таъминлаш, юрендинг асосида маркетинг фаолиятини олиб бориш, доминант инвестициялардан фойдаланишни жадаллаштириш сингари стратегик жараёнларни қамраб олган. Бунинг учун тўқимачилик саноати корхоналарининг динамик имкониятларини ўрганиш мақсадида динамик имкониятларни баҳолаш тизимини шакллантириш талаб этилади. Бу динамик имкониятлар баҳолаш тизимини шакллантириш математик моделлаштириш, алгоритмлаш ҳамда модели баҳолаш сингари усуллардан фойдаланган ҳолда муаллиф ёндашувини намоён этади.

Тўқимачилик саноати корхоналарининг динамик имкониятларини баҳолаш тизими тадқиқот ишида кўзланган сервитизация стратегиясининг натижавийлигини баҳолаш ва унинг самарадорлигини аниқлашга хизмат қилувчи кўрсаткичларни қамраб олиши билан ихтисослашуви илмий асослашга қаратилган таҳлиллар билан узвий иш олиб бориш учун қўлланилади [6]. Мазкур баҳолаш тизими асосида тезкор натижаларни олиш мақсадида дастурий таъминот учун алгоритм тузишда қийинчилик туғдирмайди. Фақатгина цикл блоки учун меъёрларни тўғри ишлатиш талаб этилади. Меъёрий мезонлар

иштирок этмаган ҳолатда циклдан тўғридан-тўғри натижа олиш блокига узатилади.

Динамик имкониятлар борасида кўплаб тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлишига қарамаздан, уни баҳолаш тизимининг сервитизация модели асосида ҳамда рискларни баҳолаш учун хизматини таъминлашда баҳолаш тизими қилинмаган, тегишли ҳисоб-китоб қилиш усуллари мужассамлаштирилган тизим ишлаб чиқилмаган. Шу нуқтаи назардан, мазкур баҳолаш тизимини бошқа саноат тармоқлари учун қўллаш мумкин ҳамда унинг дастурий таъминотини алгоритмлашни MS Excel дастурида ҳам амалга ошириш мумкин.


Инновацион фаолият ва барқарорликни таъминлаш юзасидан маҳсулотнинг инновацион даражаси маҳсулот орқали истеъмолчиларни тезкор жалб этиш мақсадида ҳамда маҳсулотнинг қўшимча қиймат яратишда қанчалик ликвидликка эгаллигини аниқлашда хизмат қилади[7]. Инновация коэффиценти маҳсулотнинг техник ва иқтисодий параметрларини ҳисобга олган ҳолда устунлик ва афзаллик даражасини аниқлашга қаратилган кўрсаткич саналади. Инновацион салоҳият даражаси маҳсулотнинг корхонанинг инновацион фаолиятни ривожлантиришдаги маҳсулотнинг такомиллашувига қанчалар тўғри ёндашувни танлаганини ҳамда мижозларнинг бунга муносабатини аниқлашга хизмат қилади. Кўшилган қиймат асосидаги маҳсулотнинг барқарорлиги сервитизациянинг асосий иқтисодий кўрсаткичидир[8]. Унинг асосида маҳсулотни такомиллаштириш ва кўшилган қиймат даражасининг иқтисодий қонуниятларга асосан қарши олиниши баҳоланади.



1-расм. “Osborn Textile” ва “Alkim Tekstil” МЧЖларнинг инновацион фаолият ва барқарорликнинг таъминланиши даражаси, 2022 йил (фоизда) [9]

“Osborn Textile” МЧЖнинг инновацион фаолият даражаси юқори бўлиб, қўшилган қиймат асосидаги маҳсулотнинг барқарорлиги 27 фоизни ташкил этиши корхонанинг сервитизация стратегиясининг муваффақиятли татбиқ этилганлигини англатади. “Alkim Tekstil” МЧЖнинг маҳсулотнинг инновацион даражаси “Osborn Textile” МЧЖга қараганда 6 фоиз камроқ бўлиб, қўшилган қиймат асосидаги маҳсулотнинг барқарорлигини 19 фоизда ташкил этишига таъсир этган. Мазкур ҳолатда маҳсулотнинг инновацион даражасини ошириш учун маҳсулотнинг такомиллаштирилиши тавсия этилади.

Инновацион коэффициент “Osborn Textile” МЧЖда “Alkim Tekstil” МЧЖ кўрсаткичига қараганда 13 фоиз кам бўлишига қарамасдан, инновацион салоҳият даражаси орасидаги фоиз фарқи унча юқори эмас. Бу маҳсулотнинг бозорга тўғри йўналтирилганлиги ҳамда унинг қўшилган қиймати тўғри шакллантирилганлигини билдиради. Мазкур ҳолатда “Alkim Tekstil” МЧЖнинг маҳсулотини бозорга йўналтириш ҳамда мижозлар билан ишлаш фаолиятини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.



2-расм. “Osborn Textile” ва “Alkim Tekstil” МЧЖларнинг брендинг асосида маркетинг фаолиятининг баҳоланиши, 2022 йил (фоизда) [10]

“Osborn Textile” ва “Alkim Tekstil” МЧЖларнинг брендинг асосида маркетинг фаолияти мижозлар томонидан қониқишга эга саналади. Бу борада брендни ривожлантириш тавсия этила-

ди ҳамда унинг рақобатбардошлилигини таъминловчи омилларни аниқлаштириш талаб этилади.

1-жадвал

“Osborn Textile” ва “Alkim Tekstil” МЧЖ мижозларга хизмат кўрсатиш стандарти бўйича баҳоланиши, 2022 йил

	0-3 қониқарсиз		4-6 қониқарли		7-8 яхши		9-10 аъло	
	сони	фоиз	сони	фоиз	сони	фоиз	сони	фоиз
“Osborn Textile” МЧЖ	9	2,12	29	6,87	80	18,96	304	72
“Alkim Tekstil” МЧЖ	6	1,63	24	6,53	58	15,80	279	76,02

“Osborn Textile” МЧЖ мижозларга хизмат кўрсатиш стандарти бўйича баҳоланиши хорижий 100 дан ортиқ мижозлар ҳамда мамлакатимизда 300 дан ортиқ мижозлар орасида олиб борилди. Жами иштирокчилар қамрови 422 тани ташкил этди. “Alkim Tekstil” МЧЖнинг иштирокчилари сони 367 та мижозни қамраб олди.

“Osborn Textile” МЧЖнинг мижозларга хизмат кўрсатиш стандарти юқори даража саналиб, уни янада яхшилаш юзасидан маҳсулотнинг брендини ривожлантириш зарур. “Alkim Tekstil” МЧЖнинг бу кўрсаткичдаги эришган муваффақияти салмоқли натижа саналиб, унинг маҳсулотига бўлган бренд жиҳатдан мижозларнинг муносабати юқоридир.

Доминант инвестициялар шакли ва туридан қатъи назар бир хил риск даражасига эга бўлган инвестицияга айтилади. Унинг эгри нафлилик чизиғи асосида қарор қабул қилиш юзасидан инвестициянинг риск даражаси эмас, балки маҳсулотнинг келгуси истиқболи билан боғлиқ риск даражасига биноан амалга оширилади [11]. Яъни маҳсулотни кўшимча қиймат яратишидаги инвестицион рискнинг сўндирилиши эвазига маҳсулотни такомиллаштиришга қаратилган риск даражаси ошади ва юмшатирилган рискка эга бўлади. Бу корхонанинг инвестицион фаолиятни жалб этиши ҳисобига маҳсулотни кўшимча қиймат яратишидаги рискларни юмшатиш хусусиятидан унумли фойдаланиш сана-

лади. ушбу стратегия доминант риск асосида ишлаб чиқариш деб аталади.

“Osborn Textile” МЧЖнинг даромади 2018 йилда 48 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, мазкур қиймат 13 миллиард сўмга ошган. 2020 йилга келиб, корхона томонидан технологик янгиланиш эвазига сарфланган пул маблағи эвазига уни ўрнатиш ва у асосида маҳсулот ишлаб чиқаришда узилиш бўлгани туфайли корхона даромади 8 миллиард сўм маблағга камайган. 2021 йилга келиб, инновацион маҳсулот ишлаб чиқарилиши туфайли кескин даромад улуши ошиб, 93 миллиард сўмга қадар етган. 2022 йилда корхона маҳсулотнинг қўшимча қиймат улушини инновацион маҳсулот

ишлаб чиқариш дастгоҳига ўтказиб бориши эвазига бироз пасайиш суръатига эга.

“Alkim Tekstil” МЧЖ илғор технологияни 2017 йилда харж қилиши ҳисобига 2018 йилдан 2022 йилга қадар оғишларсиз барқарор ўсиш суръатига эга ҳамда қўшилган қиймат улушини йил сайин кичик фоизларда ўтказиб боришни йўлга қўя олган. Жумладан, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан корхонанинг даромади 4 миллиард сўм маблағга ўсган бўлса, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 13 миллиард сўм кўпроқ даромадни қўлга кирита олган. 2021 ҳамда 2022 йилларда барқарор 2 миллиард сўм маблағ асосида профицит кўрсаткични қайд этган.

**2-жадвал**

**“Osborn Textile” ва “Alkim Tekstil” МЧЖларнинг маҳсулот экспорти ҳажми, 2018-2022 йил (фоизда)**

	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
1	2	3	4	5	6
“Osborn Textile” МЧЖ	34	39	42	43	48
“Alkim Tekstil” МЧЖ	37	42	45	49	51

*Манба:* корхоналарнинг статистик маълумотлари.

“Osborn Textile” МЧЖнинг 2018 йилда ишлаб чиқарган маҳсулотининг 34 фоизини экспортга йўналтирган бўлса, 2019 йилда бу улуш 4 фоизга ошган. 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 3 фоиз кўпроқ маҳсулот экспортга йўналтирилган бўлиб, 2021 йилда 2020 йилга қараганда 1 фоиз ошган, холос. 2022 йилда 2021 йилга қараганда экспорт салоҳияти кескин 48 фоизга қадар етиб, 5 фоиз кўпроқ кўрсаткични ташкил этган.

“Alkim Tekstil” МЧЖ 2018 йилда 37 фоиз ҳисобида маҳсулот экспортига эга бўлган бўлса, 2019 йилга келиб, бу кўрсаткич 5 фоиз ўсиш суръатига эга бўлган. 2020 йилда 2019 йилга қараганда 3 фоиз кўпроқ маҳсулот экспорти амалга оширилган ҳамда 2021 йилда 2020 йилга қараганда 5 фоиз кўпроқ миқдорни ташкил этган. 2022 йилда экспорт ҳажми 2 фоиз ўсишга эга бўлган.

Юқоридаги иккала корхонанинг маҳсулот экспортини амалга ошириш фаолияти тизими юқори натижаларга эғалигини таъкидлаш жоиз, бу мамлакатнинг валюта фонди ошишига ҳамда қўшилган қийматнинг валюта ҳисобида юритилиши орқали корхонанинг иқтисодий истиқболи учун самарадорлик келтириши билан тавсифланади. Бу корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлилигини оширишга ҳамда инвестицион жозибадорлик салмоғини юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатади [12].

Тўқимачилик саноати бевосита мода ва дизайн соҳаси билан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, унинг иқтисодий шароити ва қону-

ниятлари нотурғунлиги ҳамда тез ўзгарувчанлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда корхоналарнинг барқарорлигини сақлаш талаб этилади. Бунинг учун тўқимачилик саноати корхоналарининг маҳсулот устида олиб борадиган изланишлари ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан креатив ёндашувларни татбиқ этишни жадаллаштиришни тақозо этади. Бу инновацион маҳсулотлар занжирини, яъни инкрементал инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш заруратини яратади. Мазкур ҳолатда тўқимачилик саноати корхоналарида инновацион маҳсулотни такомиллаштириш юзасидан инкрементал инновация асосида фаолият олиб боришни тақозо этишини корхонанинг инновацион маҳсулот авлодини диверсификациялаш сифатида ташкил топади.

Инкрементал инновация мавжуд маҳсулотни такомиллаштириш генерацияси саналиб, маҳсулотлар орасидаги фарқ устунлик касб этиб боради. Маҳсулотни такомиллаштиришда мутаносиб тарзда корхонанинг хизмат кўрсатиши, жараёнлар, технология ва иқтисодий математик моделларнинг ривожланишини ҳам таъминлайди. Инкрементал инновациялар қўшимча қиймат яратишни инобатга олган ҳолда услубий ёндашувларга асосан механизациялаштирилади [13]. Бунинг натижасида корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бозорда ўрин эгаллаши кўлами кенгайиши ҳамда рақобатбардошлилигини узоқ муддатда сақлаши мумкин. Бу эса корхонанинг олдидаги мавжуд барча рискларни сўндиришга ҳамда пасайтиришга ижобий таъсир этган ҳолда ишлаб чиқариш жа-

раёнларини моделлаштиришда кўплаб имкониятлар яратиб бера олади. Харажатлар қисқариши натижасида маҳсулот таннархини пасайтириш мумкин, қўшимча қийматнинг маҳсулот орқали иқтисодий самарадорлик учун хизмати кўплаб иқтисодий кўрсаткичларнинг соғломлашуви ҳамда барқарорлашувига туртки бўлади.

Тўқимачилик саноати корхоналарида инкрементал инновацион фаолиятни амалга оширишнинг устувор жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- тегишли рискларнинг нисбатан пастлиги;
- корхонадаги мавжуд тузилма ва жараёнларни муқобиллаштиради ва тубдан ўзгартириш сингари мураккаб жараённи рад этади;
- маҳсулотни такомиллаштиришда корхонанинг стратегик фаолиятининг мустақамланиши ва самарадорлигини оширишга бевосита таъсир қилувчи ишбилармонлик моделларининг жалб этилиши ортади ва модели бошқарув орқали ишлаб чиқариш ихчамлаштирилади;
- янги маҳсулот яратиш эмас, балки мавжуд маҳсулотни янада такомиллаштириш билан кифояланади;
- мижозларнинг эҳтиёжларини қондиришда самарали ечим сифатидаги таклиф сифатида маҳсулотни илгари суриш имконияти мавжуд;
- маҳсулотнинг қўшимча қиймат яратишида олдинги авлод маҳсулотлари орқасидаги нарх ва сифат интервалдан самарали фойдаланиш мумкин [14].

Инкрементал инновацион фаолиятни тўқимачилик саноати корхоналарида муқобиллаштириш ва аналогли жараёнларни рақамлаштиришда инкрементал инновацияларнинг қайишқоқлиги ўта юқори саналиб, бу оператив инновацион фаолиятни тараққий эттиришга туртки бўлади. Инновацион ресурс қатламини ривожлантиришда инкрементал инновацион фаолият асосида ишлаб чиқилган, такомиллаштирилган маҳсулотлар инновацион фаолият матрицасини тўлдириб боради. Бу эса интеллектуал маҳсулотларни жадаллаштиришга олиб келади. Жумладан, ақлли матолар, ақлли либослар инновацион фаолиятнинг инкременталлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Тўқимачилик саноати корхоналарида мавжуд рискларнинг оптимал бошқарув механизмларида инновацион фаолият рисклар туғдирсада, инкрементал инновацион маҳсулотлар бунинг акси, яъни рискларнинг бошқарув самарадорлигига хизмат қилади. Шунга кўра, тўқима-

чилик саноати корхоналарига инкрементал инновацион фаолиятни татбиқ этишни ривожлантириш талаб этилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Динамик имкониятларни кенгайтириш рақамли динамизм ва рақамли инновацияларга қаратилган эътибор асосида фирманинг рақамли трансформацияси, унинг техник-иқтисодий самарадорлигига таъсир доирасини тадқиқ этиш мақсадида ресурс, маҳорат ва самарадорлик асосларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган стратегик жараён қисми саналади. Инновацион фаолият ва барқарорликни таъминлаш юзасидан маҳсулотнинг инновацион даражаси маҳсулот орқали истеъмолчиларни тезкор жалб этиш мақсадида ҳамда маҳсулотнинг қўшимча қиймат яратишда қанчалик ликвидликка эгаллигини аниқлашда хизмат қилади. Инновация коэффицентини маҳсулотнинг техник ва иқтисодий параметрларини ҳисобга олган ҳолда устунлик ва афзаллик даражасини аниқлашга қаратилган кўрсаткич саналади, инновацион салоҳият даражаси маҳсулотнинг корхонанинг инновацион фаолиятни ривожлантиришдаги маҳсулотнинг такомиллашувига қанчалар тўғри ёндашувни танлаганини ҳамда мижозларнинг бунга муносабатини аниқлашга хизмат қилади.

Рисклар билан боғлиқ масала инновацион ишлангани ишлаб чиқариш ғояси, агар тайёр бўлса, ишлатишга тайёрлигини синашдан бошлаб унинг ўзини ҳар томонлама самарали кўрсаткичларга эгаллигини оқлашга қадар бўлган жараёнларни қамраб олади. Бу, ўз навбатида, харажатларни келтириб чиқаришини ва унинг қопланиши мумкин ёки мумкинмаслигини назарда тутувчи ҳолатни билдиради. Мазкур вазиятда йил сайин оммалашиб бораётган “сервитизация” моделини татбиқ этиш тавсия этилади.

Маҳсулотни такомиллаштиришда корхонанинг стратегик фаолиятининг мустақамланиши ва самарадорлигини оширишга бевосита таъсир қилувчи ишбилармонлик моделларининг жалб этилиши ва модели бошқарув орқали ишлаб чиқаришни ихчамлаштиришни татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Маҳсулотни такомиллаштиришда мутаносиб тарзда корхонанинг хизмат кўрсатиши, жараёнлар, технология ва иқтисодий математик моделларнинг ривожланишини ҳам таъминлаши билан бирга, инкрементал инновациялар қўшимча қиймат яратишини инobatга олган ҳолда услубий ёндашувларга асосан механизациялаштириш тавсия этилади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Василева Е.Е. История и современность концепции риска в экономике. *Международный научный журнал “Инновационная наука”, № 4, 2015, стр. 30-32.*
2. Sohail A. Risk Analysis of the Pakistani Textile Industry: A Macro Analysis Risk analysis. 2012 у., p. 43.
3. ISO 31000:2009. Риск менеджмент. Принципы и руководство. 2009 г., стр. 32.

4. Hwang C.L., Yoon K. (1981). *Multiple Attribute Decision Making: Methods and Applications*. – New York: Springer-Verlag.
5. Teece D.J., Pisano G., Shuen A. *Dynamic Capabilities and Strategic Management*. // *Strategic Management Journal*. 1997. №7. Vol. 18. P. 509-533.
6. Walter E. Little. *Textile Economies: Power and Value from the Local to the Transnational (Society for Economic Anthropology Monograph Series Book 29)*. Kindle Edition. 2011. – 343 p.
7. Subramanian Senthilkannan Muthu. *Circular Economy in Textiles and Apparel: Processing, Manufacturing and Design (The Textile Institute Book) 1st Edition, Kindle Edition*. 2018. – 226 p.
8. Subramanian Senthilkannan Muthu. *Sustainable Approaches in Textiles and Fashion: Circular Economy and Microplastic Pollution (Sustainable Textiles: Production, Processing, Manufacturing & Chemistry) Kindle Edition*. 2022. – 360 p.
9. Irene Pasqualotto. *Sustainable Business Perspectives: Circular Economy&Textile Recycling: Textile Recycling and related market opportunities Paperback – March 2, 2017*. – 220 p.
10. Xudaynazarova D.X. *Digital transformation status analysis of textile industry enterprises in the country*. *Journal of Management Value & Ethics*, April-June. 23, Vol. 13, No. 02, SJIF 8.001 & GIF 0.626, ISSN-2249-9512.
11. Xudaynazarova D.X. *Assessment of the dynamic capabilities of osborn textile and alchemy textile llc*. *Journal of Management Value & Ethics*, April-June. 23, Vol. 13, No. 02, SJIF 8.001 & GIF 0.626, ISSN-2249-9512.
12. "Osborn Textile" va "Alkim Tekstil" MЧЖларнинг статистик маълумотлари.
13. Iminova N.A., Khudaynazarova D.Kh. *Priority Directions of Economic Risk Management in the Sphere of Communication and Informatization in the Process of Formation of Information Society in Uzbekistan*. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*. ISSN: 2278-3075, Volume-8, Issue-7S, May 2019, p.197-206.
14. Khudaynazarova D. *Increase efficiency of economic risks of textile industry enterprises based on the mechanism of incremental innovative activity*. *Proceedings of the I International Scientific and Practical Conference, 20-21 June 2023*, ISBN 978-91-65423-21-3 DOI <https://doi.org/10.5281/zenodo.8083727>



### ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ХАЛҚАРО САВДО ВА САВДО СИЁСАТИ НАЗАРИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Абдиева Дилнавоз Акромовна -**  
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва  
молия вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва  
тадбиркорлик олий мактаби таянч докторанти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a42](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a42)

**Аннотация.** Мақолада тўқимачилик саноати корхоналарида бозор ўзгаришларига мосланувчанликни таъминлаш мақсадида унинг экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларини излаб топилганда халқаро савдо ва савдо сиёсати назариялари моҳияти ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** халқаро савдо, савдо сиёсати, экспорт, тўқимачилик саноати.

### РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛИ И ТОРГОВО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ТЕОРИЙ В ИЗУЧЕНИИ ЭКСПОРТА ТЕКСТИЛЬНЫХ ИЗДЕЛИЙ

**Абдиева Дилнавоз Акромовна -**  
Докторант Высшей школы бизнеса и предпринимательства при  
Министерстве экономики и финансов Республики Узбекистан

**Аннотация.** В статье рассматривается значение теории международной торговли и торговой политики для обеспечения адаптивности к рыночным изменениям предприятий текстильной отрасли в поисках возможностей повышения их экспортного потенциала.

**Ключевые слова:** международная торговля, торговая политика, экспорт, текстильная промышленность.

### THE ROLE OF INTERNATIONAL TRADE AND TRADE POLICY THEORIES IN STUDYING THE EXPORT OF TEXTILE PRODUCTS

**Abdieva Dilnavoz Akromovna -**  
Doctoral student of the Higher School of Business  
and Entrepreneurship under the Ministry of  
Economy and Finance of the Republic of Uzbekistan

**Annotation.** The article examines the essence of international trade and trade policy theories in order to ensure adaptability to market changes in textile industry enterprises in search of opportunities to increase their export potential.

**Key words:** international trade, trade policy, export, textile industry.